



## Ислом Нури

Бу киссани бир мусулмон даъватчи хикоя килиб берган эди:

Бир йигит бўлар эди. У Роббисини унутган, шу сабабдан ўзини ҳам унутган эди... Бебошлиги, кайсар ва ёмонлиги билан ном чиқарган, хатто кўп одамларга азият берган, зулм қилганлигидан, одамлар Аллохдан унинг ёмонлигидан нажот беришини сўраб, уни дуоибад қилган, қаргаган эдилар. Яхши солих инсонлар унга кўп марталаб насихат қилишган, лекин у қабул қилмаган, кўп марталаб огохлантиришган, кулок осмаганди. Хаёти шахватлар зулумати ичра кечарди. Бир марта жуда кучли даъватчи киши унга ваъз айтган эдилар. Таъсирланиб, хатто кўзларига ёш ҳам олганди. Энди у Аллох ва Росулига ижобат этади деб гумон қилинганди, лекин афсуски, эски холатига қайтиб, гўёки ҳеч қачон, ҳеч нарса билмаган, эшитмагандек маъсиятларида давом эта берди. Масжид юзини хатто жума кунлари ҳам кўрмасди. Коронгу тушгач ўзининг бир гуруҳ бебош оғайнилари билан кўчага чиқиб кетар, тонг отгандагина қайтиб келарди. Келгач, кун буйи уйкуга гарк бўларди. Ишдан бўшаб кетган, динию- дунёси касодга учраган эди. Муштипар онаси эса ўғилнинг бу холатидан кўп йиглаб, эзилиб адойи тамом бўлган эди. Баланд кўтарилган мусика билан ухлаб шу билан уйғонарди. Хонаси деворлари уятсиз, беҳаё суратлар ила «безанган» эди. Гиёхвандлик моддаларини истеъмол қилишга каттик ружу қўйган, мастлик унинг аклюю руhini эгаллаган эди. Аллохга маъсиятлари ортсада, лекин Аллох неъматларини ундан дариг тутмасди. Аллохга исёнда давомий бўлаётган бўлсада, Мехрибон зот унга мухлат бериб, умр берарди. Куръондан бошка ҳамма нарсани тинглар, диндан ўзга ҳамма нарсани тушунар, Аллох зикридан айри ҳамма нарсани севарди. Субханаллох! Аллохни танимас экан, қандай ҳам хароба у қалблар... Субханаллох! Аллохдан юз ўгирган экан, қандай ҳам ўтмас у туйгулар...

Шу тарзда йигитнинг кунлари маъсиятлар қоронгулиги билан



## Ислом Нури

копланган, гунохлар губори билан ўралган тарзда ўтиб борарди. Солих инсонлардан бири бу осийни маъсиятлар чуқуридан чиқариш йўлини излай бошлади. Илм ахли ва доно одамларнинг кўрсатмалари бўйича бу йўллардан бири- фойдали панду- насихатлар, илмий мавъизалар ёзилган кассеталарни ҳады қилиш, одамларнинг уйларига, машиналарига олиб киришдир, токи насихатгўйнинг сўзларини таъсири уларнинг калбларига ётсин. Йигитга бир нечта таъсирли мавъизалар ёзилган кассеталар ҳады қилди. У олди-да машинасининг кутисига бепарвогина ташлаб қўйди. Уларни тинглашни ўйлаб ҳам қўймади. Кунларнинг бирида йигит ўз машинасида Даммам шахрига сафарга чиқди. Йўл олис, зерикмаслик учун мусика эшитиб кетарди. Кассеталарни унисини қўйиб, бунисини қўйиб зерикди-да, вақт ўтказиш учун халиги мавъизалардан бирини қўйди. Кассета аста секин тингловчига, ихлос эфирлари орқали, сидк тўлкинларида таралар экан, калбдаги иймон тебранмаларини кўзгата бошлади. Йигит кассетани диққат билан тинглай бошлади. Мавзу Аллохдан кўркиш ва такводорлар хақида эди. Сўзлар унинг калбига сизиб кириб, у ерда мустаҳкам қарор топа бошлади. Кассета тўхтади. Йигит хали бир кун келиб Аллохга ҳисоб бериш, унга йўлиқиш хақида ўйлай бошлади ва иккинчи кассетани қўйди. Бу кассета эса тавба ва тавба қилувчилар хақида эди. У кўнгилни бузувчи ва хафа қилувчи ўтмиши хақида ўйлар экан, кўзидан ёшлар томганча кассеталарни бирин-кетин алиштирарди. Бу манзара, холат тили билан гуё: «Эй имон келтирганлар! Сизларни тирилтирувчи нарсага чорлаганларида, Аллох ва Расулга жавоб қилингизлар!»(Анфол: 24) деяётгандек эди. Даммамга яқинлашиб қолди, лекин у сухбатлар огушига тушиб қолганидан, каттик таъсирланганидан, хатто, машинасини ҳам бошқара олмай қолди, чунки унинг калбига иймон оқими қуйилиб кириб, уни силкита, титрата бошлаганди. «Сизлар тоғларни кўриб(мангу) қотиб турувчи деб ўйларсиз. Холбуки, улар ҳам худди



## Ислом Нури

булутлар сузиб юргандек хавода сузиб юрарлар. Бу барча нарсани пухта килган зот-Аллохнинг синоатидир...!» (Намл: 88)  
Шахарга етиб келди. Йигит шахарга киришдан олдин Иймон шаҳрига кадам кўйди. Хаётга караши ўзгарди. Хаётга авваллари жохил, осий инсонни назари билан боккан бўлса, энди у Аллохга тавба килган банда сифатида қарарди. Масжидга кадам босди..... У ерда кўз ёшлари ва сув ила таҳорат ола бошлади. Масжидга кириб, хаётини намоз билан бошлади ва янги умр саҳифасини очди. «Яна айтинг: «Ҳақиқат (Яъни Ислом) келди ва ботил (куфр) йўқолди. Чунки ботил йўқолгувчи нарсадир.» (Исро: 81) Йигит уйига саломат келди ва ўзи билан ганимат-ўлжалар олиб қайтди. Яъни маъсиятлардан саломат бўлган холида ва тоатлардан ганимат килган, жамлаган холида қайтди. Уйига чиқиб кетганидан кўра бошқа юз билан кирди. Чунки маъсият, гуноҳлар ва хатолар эгасини юзи билан чиққан бўлса, тавба, инобат ва тоат нури билан яшнаган юз билан қайтиб келди. Яқинлари таажжубланишди: «Эй фалончи сенга нима бўлди?». Йигит: «Хаётимда улкан воқеа содир бўлди. Аллохга қайтдим, Аллохга тавба килдим, Аллох сари йўл топдим» дерди-ю кўз ёшлардан ўзини тўхтата олмасди. Унга кўшилиб оила аъзолари йиглашарди. Бу – хурсандчилик ёшлари деб аталмиш ёшлар эди...  
Тўлди, тошди сурур менда  
Хатто, унинг улканлигидан  
Кўз ёшладим хурсандлигимдан.  
Уй чироклари ёришиб кетди. Эшитган одамлар келиб, Аллохга тавба килган йигитни Роббисига қайтгани билан табриклай, уни бу насиб бўлган неъмат билан қутлай бошлашди.  
Гар куллар кексайиб, қолишса кучдан  
Хожалар озод килар, кўрсатиб химмат.  
Лекин Сен Холиким, авлосан ўз караминг-ла  
Кулликда кечди умрим, озод эт жаханнамнингдан.



«Айнан ўшалар шундай зотлардирки, Биз улардан килган гўзал амалларини қабул килурмиз ва жаннат эгалари каторида уларнинг ёмонликларидан ўтиб юборурмиз. (Бу) уларга ваъда килиб юрилган хакконий ваъдадир.(Ахкоф 16)

Эй Одам боласи, сен Менга дуо килгунингча ва то мендан ёрдам сўраб илтижо этгунингча Мен сенинг килган гунохларингни кечириб келаман. Ва уларга парво килмайман. Эй Одам боласи, агар сени гунохларинг кўплигидан осмондаги булутларга етса ҳам, тавба килиб Мендан магфират сўрасанг, Мен сени кечираман. Эй Одам боласи, агар сен Мени олдимга бутун ер юзини тўлдирган гунохларинг билан келсанг-у, лекин Менга ширк келтирмаган холингда рўбаро бўлсанг, Мен сени ер юзини тўлдирган магфиратим билан карши оламан. (Анас розияллоху анхудан Термизий ва Ахмад ривоятлари)

Шайх Оиз ал-Карнийнинг «Аллохга кайтган йигитлар» китобидан Мухаммад Бобур Ахмад таржимаси.